

СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ АУДИТ ВА ТАФТИШДАН ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ

Дарвишов Сарварбек Рустамович,

Тошкент давлат аграр университети мустақил изланувчиси

Email: sarvarbekdarvishov81@gmail.com

DIFFERENT ASPECTS OF FORENSIC ACCOUNTING EXPERTISE FROM INSPECTION AND AUDITING

Darvishov Sarvarbek Rustamovich,

Independent researcher at Tashkent State Agrarian University

Email: sarvarbekdarvishov81@gmail.com

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация. Мақолада бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлиқ иқтисодий жиноятларни очишда махсус иқтисодий билимлар тўғрисида тушунча берилган. Суд-бухгалтерия экспертизаси, тафтиш ва аудитнинг ўзига хос хусусиятлари илмий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилинган. Суд-бухгалтерия экспертизасининг тафтиш ва аудитдан фарқли жиҳатлари илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Abstract. The article provides an understanding of special economic knowledge in solving economic crimes related to accounting. The specific features of forensic accounting examination, inspection and audit are scientifically and comparatively analyzed. Aspects of forensic accounting expertise differences from inspection and audit are scientifically justified.

Калим сўзлар. Махсус иқтисодий билимлар, иқтисодий жиноят, бухгалтерия ҳисоби, суд-иқтисодий экспертиза, суд-бухгалтерия экспертизаси, тафтиш, аудит.

Key words. Special economic knowledge, economic crime, accounting,

forensic economic expertise, forensic accounting expertise, inspection, audit.

Кириш. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар мамлакат иқтисодий тараққиётини секинлаштирувчи, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга тўсиқ бўлувчи асосий муаммолардан биридир. Айниқса, мамлакатимизда иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, бошқарув органларининг фаолият тартибига қарши рўйхатга олинган жиноятлар сони 2018 йилда 6704 та, 2019 йилда 7538 та, 2020 йилда 10005 та, 2021 йилда 33959 тани[1] ташкил қилиб, унинг динамикаси бугунги кунда мазкур соҳада қилиниши керак бўлган ишлар нақадар долзарблигини кўрсатади.

Бугунги кунда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш, яширин иқтисодиёт кўламини қисқартириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони[2] билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий

ва зарур шартга айлантириш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш борасида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилиши назарда тутилган.

Юридик амалиётда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш билан боғлиқ бўлган иқтисодиёт соҳасидаги жиноят туфайли етказилган зиён хусусияти ва миқдори, жиноятнинг содир этилган вақти, жойи, усули, жавобгар шахслар доираси ва жиноятнинг бошқа сабаб ҳамда мақсадларини исботлаш воситаси сифатида махсус бухгалтерияга оид билимлардан кенг фойдаланилади. Мазкур жараёнда молиявий назоратнинг аудит ва тафтиш шакллари билан биргаликда суд-бухгалтерия экспертизасига ҳам мурожаат қилинади. Махсус бухгалтерияга оид билимларни бир-биридан фарқлаш учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Материал ва методлар. Мазкур мавзу бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун илмий тадқиқот методологиясининг тегишли умумилмий методлари, жумладан, илмий тадқиқот методологиясининг умумилмий методларидан: назарий методлар - анализ ва синтез, таққослаш, умумлаштириш, индукция, дедукция каби методлардан фойдаланилди. Умумилмий эмпирик методлардан: тадқиқот объекти устида кузатув олиб бориш, адабиётларни шарҳлаш, ҳужжатлар ва фаолият натижаларини ўрганиш каби эмпирик методлардан фойдаланилди.

Махсус бухгалтерияга оид билим шаклларида аудит, тафтиш ва суд-бухгалтерия экспертизаси ҳақида кўплаб олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Ҳорижий ва маҳаллий етакчи олимлар аудит, тафтиш

ва суд-бухгалтерия экспертизасининг хусусиятларини ўхшаш томонлари ҳамда фарқли жиҳатларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилганлар. Жумладан, соҳанинг етакчи олимларидан Р.Д.Дусмуратов[3] суд-бухгалтерия экспертизасини аудитдан, М.М.Махбубов, Ш.Я.Жумамуродов[4] суд-бухгалтерия экспертизасини тафтишдан, С.Халмухамедова, О.Муртазаев[5] суд-иқтисодий экспертизасини тафтиш ва аудитдан, Ж.Ш.Рахмонов[6] суд-иқтисодий экспертизасини тафтишдан, С.А.Звягин[7] суд-бухгалтерия экспертизасини тафтиш, аудит ва солиқ текширувларидан, Н.А.Шкляева, М.А.Городилов[8] форензикни тафтиш, аудит ва экспертизадан, И.А.Костина, В.В.Матвеев[9], Е.П.Нелезина[10] суд-бухгалтерия экспертизасини тафтишдан, А.А.Белов, А.Н.Белов[11], Е.Р.Россинская[12] суд-бухгалтерия экспертизасини тафтиш ва аудитдан, А.Д.Шеремет, В.П.Суйц[13] аудитни тафтишдан фарқли ва ўхшаш жиҳатларини ўзларининг илмий-тадқиқот ишларида ёритганлар.

Мақолада тадқиқот мавзуси доирасида илмий тадқиқот ишлари, адабиётларни ўрганиш натижасида суд-бухгалтерия экспертизаси, тафтиш ва аудит ўртасидаги фарқли жиҳатларни илмий тадқиқот нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил асосида очиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Натижалар. Гарчан махсус бухгалтерияга оид билим шакллари бевосита бухгалтерия ҳужжатларини тадқиқ қилишга қаратилган бўлсада улар ўртасида ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлар мавжуд.

Суд-бухгалтерия экспертизаси суд-иқтисодий экспертизасининг энг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади. Суд-бухгалтерия экспертизаси

процессуал ҳаракат бўлиб, уни процессуал ҳаракатдан ташқари ҳолатларда ўтказиш мумкин эмас. Яъни, суд-бухгалтерия экспертизаси фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда эксперт-бухгалтер томонидан бухгалтерия соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракатдир. Чунки, суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал, иқтисодий процессуал, маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекслари билан тартибга солинган.

Суд-бухгалтерия экспертизаси айрим ўзига хос хусусиятлари билан тафтиш ва аудитдан тубдан фарқ қилади. Жумладан,

Тайинлаши бўйича: Аудит - бу аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир. Аудит молиявий назоратнинг мустақил шакли ҳисобланади. Аудиторлик текшируви аудиторлик хизматлари буюртмачилари билан тузилган шартнома асосида кўрсатилади.

Тафтиш - молиявий назорат шакли бўлиб, процессуал ҳаракат ҳамда процессуал ҳаракатдан ташқари ҳолларда ўтказилади. Процессуал ҳаракатдан ташқари ҳолларда тафтиш давлат молиявий назорат, давлат солиқ хизмати органлари томонидан фармойиш ҳужжатлари асосида ўтказилади. Процессуал ҳаракатда тафтиш терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тайинланади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси - процессуал ҳаракат бўлиб, суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказувчи давлат ҳамда нодавлат суд экспертиза муассасалари томонидан, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими асосида амалга оширилади.

Мақсади бўйича: Аудитнинг мақсади хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятидаги камчиликларни унинг ажралмас элементи сифатида аниқлашга йул қўймасликни таъминлаш, суғуртавий баҳолаш ва тан олиш.

Тафтишнинг мақсади бу хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш орқали солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш орқали қонун бузилиш фактларини аниқлаш, жавобгар шахслар доирасини белгилаш ҳамда айбдорларни жавобгарликка тортишдан иборат.

Суд-бухгалтерия экспертизаси - суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья томонидан қўйилган саволларга асослантирилган хулоса бериш учун хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни ташкил этишнинг тўғрилиги, хўжалик фаолиятининг ишончилигини аниқлашдир [14]. Суд-бухгалтерия экспертизаси жиноят, фуқаролик, иқтисодий ҳамда маъмурий ишлардан ташқарида мавжуд бўлмайди. Унинг мақсади махсус бухгалтерия билимларига асосланиб муайян иш бўйича янги далилларни олишдир.

Предмети бўйича: Аудитнинг предмети деганда, аудиторлик текшируви ўтказиладиган объектлар мажмуаси тушунилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти, ушбу фаолиятни ташкил этувчи барча жараёнлар ва операциялар, хўжалик маблағлари, маблағларни ташкил топиш манбалари, ҳисобкитоблар, ўзаро муносабатлар, молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичлари, уларни акс эттирувчи бошланғич, оралик ва йиғма ҳужжатлар, молиявий ва статистик ҳисоботлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа масъул ва моддий жавобгар шахсларнинг фаолиятлари, буюруқлар, қарорлар ва бошқалар бундай объектлар ҳисобланади[15].

Тафтишнинг предмети қонунийлиги, ишончлилиги ва мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан махсус усулларни қўллаш орқали ўрганиладиган ҳужжатлаштирилган молиявий операциялар ҳамда хўжалик жараёнларидир. Тафтишда қўйилган масалалар доирасида хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти текширилади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси предмети куйидаги белгилар умумлашуви билан тавсифланувчи ҳодисаларни ўз ичига олади:

- 1) улар хўжалик фаолияти билан боғланишдадир;
- 2) улар бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топган;
- 3) уларни текшириш доираси суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья берган саволлар билан чекланади;
- 4) ушбу саволларга ишлаб хулоса бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги мутахассис томонидан берилади[16].

Объекти бўйича: Аудитнинг объекти бухгалтерия ҳисоби тизимида ва

ахборот тизимининг бошқа манбаларида акс эттирилган ва миқдорий ҳамда қиймат жиҳатидан баҳоланиши керак бўлган хўжалик юритувчи субъектининг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларидир.

Хўжалик юритувчи субъектининг мол-мулки, молиявий операциялар, хўжалик жараёнлари, шунингдек молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ифодаланган бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ва бошқа манбалар тафтишнинг объектлари ҳисобланади.

Суд-бухгалтерия экспертизасининг объектлари умумий ва махсус турларга бўлинади. Умумий турига бошланғич ва йиғма ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, молия ва солиқ ҳисоботлари ҳужжатлари, инвентаризация материаллари, ташкилий-маъмурий ҳужжатлар ва бошқа бухгалтерия ҳужжатлари киради. Махсус турига ҳужжатли тафтиш далолатномаси, бошқа соҳа экспертларининг хулосалари, ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённомалар ва уларни ишга илова қилиш тўғрисидаги қарорлар, турли суд жараёнларининг баённомалари (сўроқ қилиш, юзлаштириш, тинтув ва олиб қўйиш) киради[17]. Эксперт бухгалтер хўжалик юритувчи субъект ихтиёридаги ҳужжатларга ўзбошимча мурожаат этиш ҳуқуқига эга эмас.

Субъекти бўйича: Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувларини ўтказиш ва турдош хизматлар кўрсатиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлиб аудиторлик текширувининг субъекти ҳисобланади.

Тафтишининг субъекти тафтишни ўтказиш ваколатига эга бўлган давлат молиявий назорат, давлат солиқ хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳисобланади.

Суд-бухгалтерия экспертизасининг субъекти суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказувчи давлат ва нодавлат суд экспертиза муассасларидир.

Амалга ошириш воситалари бўйича: Аудиторлик текшируви мажбурий тарзда ва ташаббус шаклларда аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик хизматлари буюртмачиси ўртасида тузилган шартнома асосида ўтказилади.

Тафтиш режали ҳамда режадан ташқари амалга оширилиши мумкин. Режали тафтиш фақат давлат молиявий назорат органлари томонидан, режадан ташқари тафтиш давлат молиявий назорат органлари ҳамда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан амалга оширилади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан амалга оширилади.

Ҳақ тўланиши бўйича: Аудиторлик тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлганлиги сабабли буюртмачи томонидан у билан тузилган шартнома асосида ҳақ тўланиши белгиланган.

Тафтиш бевосита давлат молиявий назоратини ўтказиш ваколатига эга бўлган органлари томонидан фармойиш ҳужжатлари асосида амалга оширилади ва уларга тафтиш учун ҳақ тўланиши белгиланмаган.

Суд-бухгалтерия экспертизаси тадқиқоти учун ҳақ тўланиши қуйидаги тартибда белгиланган. Давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан жиноят ишлари, маъмурий суд ишлари бўйича бепул ҳамда фуқаролик ишлари

ва иқтисодий ишлар бўйича суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш учун тўлов ундирилиши белгиланган. Нодавлат суд-экспертиза муассасалари томонидан суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш учун тузилган шартнома асосида ҳақ тўланиши белгиланган.

Масъулият бўйича: Аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшируви бўйича жавобгарлиги белгиланган.

Тафтиш эксперт-бухгалтердан фарқли ўлароқ уларга жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш белгиланмаган.

Суд-бухгалтерия экспертизасида эксперт-бухгалтер била туриб нотўғри хулоса берганлиги, терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун суд эксперти жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади.

Ваколати бўйича: Аудиторлик текшируви бевосита хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойда ўтказишга, молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларини тўлиқ ҳажмда олишга, шунингдек ушбу ҳужжатларда ҳисобга олинган ҳар қандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳар қандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текшириш ҳуқуқига эга.

Тафтишда текширилаётган субъектнинг ҳудудини ва биноларини текшириш, унинг мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш, тафтиш ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни,

ахборотни ва материалларни талаб қилиб олиш, текшириладиган субъектнинг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи шахсларидан, моддий жавобгар ходимларидан ҳамда бошқа ходимларидан тушунтиришлар олиш ҳуқуқига эга.

Суд-бухгалтерия экспертизаси аудит ва тафтишдан фарқли равишда суд-бухгалтерия экспертизасини суд экспертизаси муассасасида, унга тақдим этилган объектлар асосида ўтказилади. Эксперт-бухгалтер мустақил равишда ҳужжатлар ёки бошқа ахборотларни тўплаш, фактик текширувни амалга ошириш ёки унда иштирок этиш, процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришиш, натижаларни суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) ташқари бирон-бир шахсга хабар қилишга ҳақли эмас

Натижасини расмийлаштириш (хулоса) бўйича: Аудиторлик текшируви натижаси аудиторлик хулосаси билан яқунланади.

Тафтиш ўтказилгандан сўнг унинг натижаларига кўра хулоса сифатида далолатнома тузилади.

Суд-бухгалтерия экспертизасида эксперт-бухгалтерлар томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига хулоса тузади.

Норматив-ҳуқуқий асоси бўйича: Аудит Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонуни ва бошқа қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Тафтиш Ўзбекистон Республикасининг бюджет, жиноят-процессуал кодекслари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ва бошқа қонуности норматив-

ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал, иқтисодий процессуал, маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекслари ҳамда суд экспертизаси, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунлари ва бошқа қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Мунозара. Жаҳонда суд-бухгалтерия экспертизаси сўнгги етмиш йил ичида ривожланди. Суд-ҳуқуқ, бухгалтерия ҳисоби соҳаси ривожланиши билан суд-бухгалтерия экспертизаси ҳам илмий жиҳатдан тадқиқ қилиниб, ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда.

“Суд жараёнида бухгалтерия экспертизаси” асарининг кириш қисмида бухгалтерия экспертизасининг аҳамияти ҳақида В.К.Случевский қуйидагиларни ёзган: “Бухгалтерия экспертизаси ёрдамсиз барча турдаги корхоналарнинг фаолияти ҳолатларини китоблар, счётлар ва хўжалик ҳужжатларида учрайдиган рақамлар дунёсини бир бутунликда тушуниш мумкин эмас. Бунинг учун ушбу рақамларни тилини тушуниш, яъни бухгалтерия ҳисоби бўйича махсус билимни талаб этади”[18].

Биринчилардан бўлиб суд-бухгалтерия экспертизаси тушунчасини шакллантирган С.Ф.Иванов “Суд-бухгалтерия экспертизаси суд томонидан махсус таклиф қилинган, бухгалтерия ҳисоби - бухгалтерия китоблари, ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоботлари бўйича тажрибага эга бўлган шахслар орқали иш жараёнида зарур бўлган махсус масалаларни аниқлаштириш учун уларни фақат ушбу билимдон шахслар ҳал қилишлари мумкин бўлган тадқиқотдир”[19] дея таърифлаган.

Махсус бухгалтерияга оид билимларни айрим бир белгилари бўйича қиёсий таҳлил қилиш жараёнида, суд-бухгалтерия экспертизаси билан тафтиш процессуал ҳаракат ҳисобланганлиги сабабли улар ўртасида боғлиқлик мавжуд. Жумладан, тафтиш ўтказиш усулининг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш суд-бухгалтерия экспертизасининг вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Бу ерда процессуал ҳаракат сифатида ўтказилган тафтиш назарда тутилган. Яъни, суд-бухгалтерия экспертизаси тафтиш билан боғлиқ қуйидаги ҳолатларда ўтказилиши мумкин:

- тафтиш, инвентаризация материалларининг тергов материалларига мувофиқ келмаслиги;

- дастлабки ва қайта тафтиш хулосалари ўртасида қарама-қаршиликлар мавжудлигида;

- тафтишчилар томонидан моддий зарар миқдорини аниқлашда шубҳа туғиладиган усул қўлланилганлигида;

- терговчининг тафтиш хулосаларида тафтишчи томонидан суиистеъмолчилик ва моддий бойликларнинг камомадини очиб ташлаш учун қўлланилган методнинг тўлиқлиги

ва тўғрилиги хусусида шубҳалар бўлганда ва бошқа ҳолларда.

- тафтишчининг айбланувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатни ҳисобга олиш учун қабул қилишдан бош тортиши ва бошқа ҳолатлар.

Хулоса. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, суд-бухгалтерия экспертизасининг аудит ва тафтишдан фарқли жиҳатларини ёритилиши фойдаланувчиларда бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлиқ жинотяларни очишда уларнинг аҳамияти, шунингдек, улардан қайси бирини қайси ҳолатда, кетма-кетликда қўлланилиши тўғрисида тушунча ҳосил қилинади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси процессуал ҳаракат сифатида юридик амалиётда махсус бухгалтерияга оид билимларга зарурат туғилган пайтда қўлланилсада, лекин суд-бухгалтерия экспертизаси тадқиқотини бевосита эксперт-бухгалтер бухгалтерияга оид махсус билимлардан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Шундан келиб чиқиб, суд-бухгалтерия экспертизасини янада самарадорлигини ошириш мақсадида суд-бухгалтерия экспертизаси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш орқали уни ўтказиш услубиётини такомиллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>
2. <https://lex.uz/docs/5841063>
3. Р.Д.Дусмуратов Аудит асослари. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2003. Б. – 14.
4. М.М.Маҳбубов, Ш.Я.Жумамуродов “Дастлабки терговда ҳужжатли ревизия ва суд бухгалтерлик экспертизаси” Т., 1989 йил., 52 бет.
5. С.Халмухамедова, О.Муртазаев Суд-иқтисодий экспертизаси қай тартибда, кимлар томонидан ўтказилади? <https://huquqburch.uz/uz/sud-iktisodij-eksptizasi-qaj-tartibda-kimlar-tomonidan-utkaziladi/>

6. Рахмонов, Жамшид Шарофиддинович Жиноят процессида тафтиш ўтказиш масалалари // ORIENSS. 2022. №5-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zhinoyat-protsessida-taftish-tkazish-masalalari> (дата обращения: 27.01.2023).
7. Звягин Экспертиза в системе бухгалтерского учета как метод государственного финансового контроля // Научные ведомости БелГУ. Серия: История. Политология. Экономика. Информатика. 2007. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ekspertiza-v-sisteme-buhgalterskogo-ucheta-kak-metod-gosudarstvennogo-finansovogo-kontrolya> (дата обращения: 27.01.2023).
8. Городилов М.А. Форензик: понятие, особенности, история возникновения и развития новой услуги / Шкляева Н.А., Городилов М.А. // Аудит. 2019. № 6. С. 16-21.
9. Костина Ирина Алексеевна, Матвеев Владимир Владимирович Особенности судебно-бухгалтерской экспертизы и ее отличия от ревизии финансово-хозяйственной деятельности // Здоровье – основа человеческого потенциала: проблемы и пути их решения. 2020. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-sudebno-buhgalterskoy-ekspertizy-i-ee-otlichiya-ot-revizii-finansovo-hozyaystvennoy-deyatelnosti> (дата обращения: 26.01.2023).
10. Е.П.Нелезина Судебно-бухгалтерская экспертиза: учеб. Пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям «Юриспруденция», «Бухгалтерский учет, анализ, аудит» / Е.П.Нелезина. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2015. – 167 с.
11. Белов А.А., Белов А.Н. Судебно-бухгалтерская экспертиза. Издание 2-е переработанное и дополненное. - М.: Книжный мир, 2004. 643с.
12. Судебно-бухгалтерская экспертиза: учеб. пособие для студентов вузов / [Е.Р. Российская и др.]; под ред. Е.Р. Российской, Н.Д. Эриашвили. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. - 351 с.
13. А.Д. Шеремет, В.П. Суйц Аудит: Учебник. — 5-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2006 — 448 с. — (Высшее образование).
14. Дубоносов Е.С. Судебно-бухгалтерская экспертиза: учебник для бакалавриата и магистра-туры / Е. С. Дубоносов. — 2-е изд., перераб. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 2019. С.-29.
15. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит: Олий ўқув юртлари учун. – Т.: “Ўқитувчи”, 2004. -317-бет.
16. <http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/11/7-Sud-buxgalteriya-ekspertizasi.-D.Jalolova-va-boshq-2005-oquv-qollanma.pdf>
17. Дубоносов Е.С. Судебно-бухгалтерская экспертиза: учебник для бакалавриата и магистра-туры / Е. С. Дубоносов. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательство Юрайт, 2019. С.-70-71.
18. Кеворкова Жанна Аракеловна Эволюция развития судебно-бухгалтерской экспертизы в России как специальной отрасли экономических знаний // Учет. Анализ. Аудит. 2018. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/evolyutsiya-razvitiya-sudebno-buhgalterskoy-ekspertizy-v-rossii-kak-spetsialnoy-otrasli-ekonomicheskikh-znaniy> (дата обращения: 19.10.2022).
19. Климович Л.П. Научные основы современной судебной экономической экспертизы. Монография. 2013.https://litgid.com/read/nauchnye_osnovy_sovremennoy_sudebnoy_ekonomicheskoy_ekspertizy_monografiya/page-6.php